
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ИПАКЧИЛИК ВА ЖУН САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚҮМИТАСИ РАИСИ ИҚБОЛЖОН ЭРГАШЕВ БИЛАН УЧРАШДИ

Учрашувда Президентимизнинг жорий йил 3 майда қабул қилинган "Пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида бозор механизмларини жорий қилишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича ҳамкорликдаги ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоятимизда "Фарғона ипакчилик илмий мажмуаси" лойиҳасини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмасилди.

Илмий мажмуа умумий ер майдони 78 гектар бўлиб, лойиҳа қиймати 5 млн. долларни ташкил қиласиди. Лойиҳа ишга тушиши натижасида жами 1,5 минг нафар, шундан 100 нафар доимий, 1400 нафар мавсумий иш ўрни яратилишига эришилади.

Лойиҳани Фарғона тумани "Қалача" МФЙ ҳудудида амалга ошириш режалаштирилган.

Илмий мажмуа ипакчилик соҳасига олиб кирилаётган 8 турдаги янги йўналишлардан ташкил топади.

Вилоят раҳбари ушбу лойиҳа соҳани янада ривожлантиришига хизмат қилишини қайд этиб, ҳар томонлама кўмак берилишини маълум қилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-10-05 18:47:08